

**ПАРРАНДАЛАРИНИНГ НЬЮКАСЛ КАСАЛЛИГИДА ИММУНИТЕТ
ТАРАНГЛИГИНИ АНИҚЛАШДА ЛАБОРАТОРИЯ ТАХЛИЛ
УСУЛЛАРИНИНГ АХАМИЯТИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11530040>

Махмудова Карима Исмаиловна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ассистенти

Кенжаев Муҳаммадҷусуф Эркинжон угли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси

Исмоилжонов Хуршидбек Худоёр угли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси

Аннотация

Ушбу мақолада паррандаларинг Ньюкасл касаллигида эмланган паррандалардан қон намуналари олиниб, лаборатория таҳлиллари ўтказиш ёрдамида иммунитет таранглигини аниқлаш масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар

:Ньюкасл, қон зардоби, лаборатория таҳлиллари, иммунитет, реакция

Аннотация:

В данной статье предоставлено информация о взятии крови у вакцинированных птиц против Ньюкаслской болезни и о лабораторных методах исследования крови на напряженность иммунитета

Ключевые слова:

Ньюкасл, сыворотка крови, лабораторные анализы, иммунитет, реакция

Кириш. Республикамизда паррандачилик соҳаси жадал суратларда ривожланиб бораётган ва аҳолига арзон, сифатли парранда гўшти, ҳамда тухум маҳсулотлари етиштириб бераётган юқори рентабеллик соҳалардан биридир.

Ишлаб - чиқариш йўналишидаги паррандачилик соҳасида хўжаликларни турли хил юқумли касалликлардан химоя қилишда ва сифатли паррандачилик маҳсулотларини етиштиришда ветеринария-санитария тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса паррандаларнинг Ньюкасл касаллиги паррандалар орасида тез тарқалиши, ўлим ҳолатларинг юқорилиги бўйича, олдини олиш ва курашиш чора тадбирларининг

ўтказилишида кўп маблағ сарфланиши билан хўжаликларга катта иқтисодий зарар келтиради.

Ньюкасл касаллиги – паррандарнинг юқори контагиозли, ўта хавфли юқумли касаллиги бўлиб, пневмония, энцефалит ва паренхиматоз аъзоларнинг геморрагик яллиғланиши билан характерланади.

Кўзғатувчиси – РНК сакловчи вирус, товук эмбрионида тез ва яхши ривожланади. Касалликка товуклар курка, бедана, тустовук ва ёввойи паррандалар мойил ҳисобланади.

Эпизоотологияси. Касаллик манбаи бўлиб – касал паррандалар, инкубацион ва хом-ашё тухумлари ҳисобланади. Тарқатиш омиллари – озукалар, сўйиш қолдиқлари, жихозлар, парранда мурдалари, чанг, патлар, ёввойи паррандалар ҳамда одамлар ҳисобланади.

Ташхис. Касалликка ташхис эпизоотологик маълумотлар, клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлар ва лаборатория таҳлиллари натижалари асосида қўйилади

Таҳлилларнинг мақсади ва вазифаси:

- Ньюкасл касаллигининг Андижон вилояти бўйича эпизоотологик ҳолатини ўрганиш

- Касалликка қарши эмланган паррандалардан қон намунари олиш

- Келтирилган намуналарни лаборатория таҳлилларидан ўтказиб, иммунитет таранглигини аниқлаш

Таҳлиллар учун намуналар олиш ва текшириш усуллари:

Таҳлиллар учун намуналар ҳар бир паррандалар сақланадиган хонадаги(цехлардаги) паррандаларнинг 25 бошидан канот ости вена қон томиридан эрталаб сув ва озуқа беришдан олдин олинади.

Лаборатория таҳлиллари Андижон вилоят хайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази вирусология лабораториясида олиб борилди.

Лаборатория таҳлиллари учун паррандаларнинг қон намуналари Асака тумани “Асака парранда”, Булокбоши тумани “Ахмадбек-Ҳакимбек” паррандачилик хўжалиги, Пахтаобод тумани “Пахтаобод парранда” МЧЖ ва Асака тумани “Умид” хусусий корхонаси қарамоғидаги паррандалардан жами 600 та намуна олинди.

Қон намуналаридан тегишли тартибда таҳлиллар учун қон зардоблари ажратилиб олиниб, ГАТР (гемаглютинацияни тўхтатиш реакцияси) ёрдамида иммунитет таранглиги аниқланди. Реакция қўйишда куруқ “Ла-Сота” штаммидан тайёрланган куруқ вакцина ишлатилди.

Тахлил натижалари:Тахлил натижаларига кўра Ньюкасл касаллигига қарши эмланган паррандаларда:аэрозол усулда эмланганда жўжаларда 1:32 - 1:128; катта ёшдаги паррандаларда 1:126-1:256; интраназал, яъни бурун ичига томизиш йўли билан эмланган жўжаларда 1:16-1:64, катта ёшдаги паррандаларда 1:64-1:128 титр кўрсаткичлари қайд этилди. Шу жумладан

1.Асака тумани “Асака парранда” қармоғидаги паррандаларда иммунитет таранглиги 100% ни

2.Булоқбоши тумани “Ахмадбек-Хақимбек” паррандачилик хўжалиги, қармоғидаги паррандаларда иммунитет таранглиги 70 % ни

3.Пахтаобод тумани “Пахтаобод парранда” МЧЖ қармоғидаги паррандаларда иммунитет таранглиги 100% ни

4.Асака тумани “Умид” хусусий қорхонаси қармоғидаги паррандаларда иммунитет таранглиги 60 % ни ташкил этиши аниқланди

Амалиётга тавсиялар ва хулосалар.Ньюкасл касаллиги паррандалар хўжаликларига катта иқтисодий зарар келтиради.Шунинг учун ҳам ҳар бир паррандачилик хўжаликларида касалликнинг олдини олиш тадбирларини тўғри ташкиллаштириш ва амалга ошириш жуда зарур.Ньюкасл касаллигига қарши ветеринария-санитария назоратини кучайтириш, режали равишда диагностик тадбирларни олиб бориш, дезинфекция ишларини мунтазам олиб бориш касалликни камайитиришга олиб келади.

Ньюкасл касаллигини олдини олиш мақсадида қуйидаги ишлар олиб борилиши керак:

- Паррандачилик хўжаликларда режа график ишлаб чиқилиб, режа-график асосида паррандаларни Ньюкасл касаллигига қарши эмлаш ишларини ташкиллаштириш

- Эмланган паррандалардан йўриқнома асосида қон намуналари олиниб, иммунитет таранглиги бўйича лаборатория тахлилларидан ўтказиш

- Хўжаликда ветеринария-санитария тадбирларини доимий равишда ўтказилишини ташкиллаштириш

- Эмлаш ишларини тўғри ташкиллаштирилганлигини назорат қилиш

- Лаборатория тахлиллари натижасига кўра иммунитет таранглиги 80% дан паст бўлган хўжаликларда қайта эмлаш ишларини ўтказиш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Х.С.Салимов, Б.Сайиткулов, И.Х.Салимов “ВЕТЕРИНАРИЯ МИКРОБИОЛОГИЯСИ,ВИРУСОЛОГИЯСИ, ЭПИЗООТОЛОГИЯСИГА ОИД ИЗОХЛИЛУҒАТ ВА МАЪЛУМОТНОМА” Тошкент 2013 йил
- 2.Кисленко В.Н. “ПРАКТИКУМ ПО ВЕТЕРИНАРНОЙ МИКРОБИОЛОГИИ И ИММУНОЛОГИИ”.Учебная пособия.Москва 2005 год
- 3..Б.И.Антонов “СПРАВОЧНИК.ЛАБОРАТОРНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЕ В ВЕТЕРИНАРИИ”
4. Mahmudova K., Abduraximov A. PARRANDALARDA UCHRAYDIGAN NYUKASL KASALLIGI VA UNI OLDINI OLIISH CHORALARI //E Conference Zone. – 2022. – С. 37-39.
- 5.Д.А.Азимов, Е.Н.Меркутов, З.Б.Шакарбоев, Д.Т.Исакова, В.И.Голованов “БОЛЕЗНИ ПТИЦ” Справочник “Янги аср авлоди” 2012 йил
- 6.И,Собиров “ПАРРАНДАЧИЛИК” Тошкент – 2024 йил